

3.2. Хисоб-китоб рақамига мабдағлар келиб тушган «Ўтказиб берувчи» «Истеъмолчи»га / «Истеъмолчи»нинг махсус автотранспортда ёки ижарага олинган автотранспортда олиб кетилиши мумкин. Бунда автотранспортлар (арча талабларга жавоб берган тақдирда руҳсат этилади) махсулотларни махсус автотранспортларда етказиб беради.

4. КАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

4.1. Нефть махсулотларининг миқдори ва сифати бўйича қабул қилиб олиш қуйидагича амалга оширилади:

а) «Ўтказиб берувчи» томонидан «Истеъмолчи» вакилининг нефть махсулотини олиб чиқишни қабул қилиш ҳужжатларини ўрнатилган тартибда расмийлаштириш орқали;

б) «Истеъмолчи» транзит орқали нефть махсулотларини қабул қилишда амалдаги миқдор ва сифат йўриқномаларига (П-6, П-7) асосан иш юритади.

5. МАХСУЛОТ СИФАТИ

5.1. «Истеъмолчи» нефть махсулотларини олаётган вақтда махсулотнинг сифат ва миқдорини текшириб олади.

5.2. Ўтказиб бериладиган махсулот сифати Давлат стандарти ва ТШ га мос бўлиши ҳамда бу жўнатилаётган нефть махсулоти учун берилётган сифат гувоҳномасида акс эттирилиши лозим.

5.3. «Истеъмолчи» нефть махсулотларини қабул қилишда уларнинг сифатини, шунингдек, сифат гувоҳномаси (паспорти)ни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

6. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТИ ВА ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. «Ўтказиб берувчи» асоссиз равишда нефть махсулотларини етказиб бериш муддатларини кечиктирганлиги ва ўз муддатида етказиб бермаганлиги учун «Истеъмолчи»га мажбуриятларнинг бажарилмаган қисми учун 0,4 фоиз миқдорда пеня тўлайди, лекин тўланадиган пеня умумий миқдори етказиб берилмаган нефть махсулотлари қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Пеня тўлаш, шартнома мажбуриятларини бузган томонни, нефть махсулотларини кечиктириб ёки етказиб берилмаган ва ҳақозо... оқибатидаги зарарни тўлашдан озод этмайди.

6.2. Амалдаги қонунчилик ёки ҳужалик шартномаси, стандартлар, техник шароитлар, сифат талаби, турлари ва ассортиментлари бўйича талабга тўғри келмаган нефть махсулотлари етказиб берилганда «Истеъмолчи» нефть махсулотларини қабул қилишдан бош тортиши, «Ўтказиб берувчи»дан талаб даражасида бўлмаган нефть махсулотлари қийматининг 20 фоизи миқдоридан жарима ундириши, агар махсулот қиймати тўланган бўлса, белгиланган тартибда тўланган маблағни қайтариб олиш ҳуқуқига эга. Талаб даражасида бўлмаган нефть махсулотлари етказиб берилганлиги учун жарима «Ўтказиб берувчи» дан акцептсиз тартибда ундирилади.

6.3. Шартномада белгиланган муддатда олинмаган ва нефть махсулотларини олишдан сабабсиз бош тортганлиги учун «Истеъмолчи» «Ўтказиб берувчи»га олинмаган махсулот умумий қийматининг 5 фоизи миқдоридан жарима тўлайди.

6.4. Ушбу шартномада бирон-бир шартнинг бажарилмаганлиги учун жавобгарлик белгиланмаган бўлса, у ҳолда мазкур бажарилмаган шартлар учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ва «Ҳужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тугрисида»ги Қонунга биноан тартибга солинади.

6.5. Томонлар ҳамда уларнинг вакиллари мазкур шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тугрисидаги қонуни ҳужжалари талабларига амал қилади.

7. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

7.1. Агар шартнома тузилгандан сўнг иккала томон ўз мажбуриятларини гайритабiiий ҳолатлар, сув тошқини, ёнгин, ер қимирлаш ва бошқа табиий офатлар сабабли бажармаса, Ўзбекнефтегаз» АЖнинг ва НКИЗ ларнинг «Ўзбекистон темир йуллари» ДАТЙКнинг айби билан ёки махсулот етказиб бериш ҳажми ва муддати юқори